

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MILLIY KITOS PALESTASI
INV. №

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MILLIY KITOS PALESTASI
INV. №



O'ZBEKISTON OVOZI

SHU AZIZ
VATAN —
BARHAMIZNIKI!

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

• 2010-yil • 5-avgust • Payshanba • 91 (31.211) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz www.uzbekistonovozi.uz

ЕР — ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИ ҲАЁТИ ВА ФАРОВОНЛИГИНИНГ АСОСИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси билан халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашининг қўшма мажлисида Фарғона вилоятида Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг ерлардан қишлоқ ҳўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланишга доир қисмининг ижро этилишини ўрганиш натижалари кўриб чиқилди.

Қўшма мажлисда ерлардан оқилона, самарали ва мақсадли фойдаланилишини таъминлашда, фермер ҳўжалиқларига, қишлоқ ҳўжалиги корхоналарига, муассасалар ва ташкилотларга ер участкаларини беришда, ер участкаларини бериш тартиби ва шартларига амал қилишда, тупроқнинг сифати ва унумдорлигини оширишда Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг нормаларига риоя этиш масалалари, шунингдек, қишлоқ ҳўжалиги экин майдонларининг унумдорлигини ошириш, мелиоратив ҳўлатини яхшилаш ҳамда ер ресурсларини муҳофаза қилиш тадбирларини рўйга чиқаришда давлат томонидан ёрдам бериш чоралари муҳокама қилинди.

Қайд этиб ўтилганидек, мамлакатимизда гоёт муҳим табиий ресурс, ҳар бир фуқаро ҳаёти ва фаолиятининг асоси бўлиши ер фондиди сақлаш, тупроқнинг сифатини яхшилаш ва унумдорлигини ошириш масалаларига катта аҳамият берилмоқда. Зарур қўнунчилик базаси яратилган бўлиб, у ер муносабатлари ҳўқуқий тартибга солинишини, ер ресурсларидан оқилона фойдаланилиши ва уларнинг муҳофаза

қилинишини таъминламоқда. Ушбу масалани муҳокама қилиш асосида тадбир қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 43-моддасига мувофиқ Фарғона вилоятида шу йил 1 январь ҳўлатига қишлоқ ҳўжалиги ерлари таркибига 567616 гектар ер ажратилганлигини, шуларнинг 248681 гектарини қишлоқ ҳўжалиги учун яроқли бўлган суғориладиган ерлар ташкил қилишни қайд этдилар. Вилоятнинг суғориладиган қишлоқ ҳўжалиги ерларида тупроқ унумдорлигининг бонитети ўрта ҳисобда 56 баллни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 46-моддасига мувофиқ қишлоқ ҳўжалиги эҳтиёжларига мўлжалланган ерлар фермер ҳўжалиқларига берилган. 2008-2009 йилларда фермер ҳўжалиқлари оптималлаштирилганлиги натижасида вилоятнинг пахта ва галла экинлари етиштиришга иқтисодлашган фермер ҳўжалиқларига қарашли ер майдони ўртача 71,7 гектарни ташкил этмоқда. Ҳозир вилоятда 10131 та фермер ҳўжалиги фаолият кўрсатмоқда.

→2



Замонавий усуллар, сиёсий технологиялар

электорат билан иш олиб боришда катта самара беради

ЎЗХДП: минтақавий конференция



Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши томонидан «Электорат билан иш олиб боришнинг замонавий усуллари, умумэтироф этилган сиёсий технологиялардан фойдаланиш масалалари» мавзусида пойтахтда илмий-амалий анжуман ўтказилиб, унда Самарқанд, Жиззах, Сирдарё, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳар партия кенгашлари фаоллари иштирок этишган эди. Тадбирда кўтарилган мавзу муҳим аҳамиятга эга эканлиги ҳисобга олиниб, уни бошқа ҳудудларда ҳам ўтказилиши мақсадга мувофиқ деб топилди.

→2



Диққат, янги рукн: ИСТИҚЛОЛ. ИМКОНИАТ. ИҚТИДОР

Одил ЭРҒАШЕВ,
Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети археология кафедраси аспиранти:

— Мен 2000 йилда СамДУ тарих факультетига Давлат гранти асосида ўқишга қабул қилиндим. 2003 йилда Алишер Навоий номи Давлат стипендиясига сазовор бўлдим. 2004 йилда СамДУ археология кафедраси магистратурасига имтиёзли равишда ўқишга кирдим.

2004-2006 йиллар мобайнида Самарқанд давлат университетининг тарих факультети археология кафедрасида магистратура босқичида таҳсил олдим. Бизнинг университет билан Италиянинг Болонья университети ўртасида ўзаро илмий-соҳавий ҳамкорлик тўғрисида келишув маевуд. Мазкур келишувга биноан магистратурада биз ўзбек-итальян қўшма археологик экспедициясида иштирок этиб, археология соҳасидаги билимларимизни янада бойитдик. Ҳозирги кунда Самарқанд давлат университетиде археология йўналиши бўйича аспирантурада таҳсил олмоқдам. Шу вақт мобайнида ЎЗРФА Археология институтини билан ҳамкорликда бир

неча бор археологик экспедицияларда қатнашдим. Шу йил май ойида Қизилқум чўлида жойлашган тош устахоналарига бағишланган номзодлик диссертациясини ёзиб тугатдим. Бу борада менга илмий раҳбарим — Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, профессор Мавлон Жўрақуловнинг маслаҳатлари ва кўрсатмалари, шунингдек, университетимиз раҳбариятининг археологик экспедицияларни уюштиришда берган ёрдамлари катта мадад бўлди. Номзодлик диссертациямда ўрганилган тош устахоналарни устиде кенероқ тадқиқот олиб бориш мақсадида Ўзбекистон Фанлар академиясига юборилган илмий лойиҳалар ўрганиб чиқилган, икки йил муддатга грант ажра-

тилди. Бу эса номзодлик диссертациямни муваффақиятли олиб боришга ҳам маънавий, ҳам иқтисодий жиҳатдан кўмак бўлди. 2010 йилни Президентимиз томонидан Баркамол авлод йили деб эълон қилиниши биз каби ёшларни билим олишимиз, ўз истеъдодимизни тўла намойн этишимиз учун имконият эшикларини янада кенг очиб берди. Ватанимизда яшаётган миллионлаб ёшларнинг тақдирини ўйлаб амалга оширилаётган ишлар, албатта, ўз самарасини бермоқда. Шу нуқтаи назардан мен Мустақиллик биз ёшларнинг онгу шууримизда, дунёқарашимизда буюк бурчилик ясади, деб қатъий ишонч билан айтаман.

Темур ХУДОЙБЕРДИЕВ
ёзиб олди

Соғлом она — соғлом келажак

«Баркамол авлод йили» Давлат дастури амалда

■ 2010 йил 22 июлда Вазирлар Маҳкамаси «Республиканинг қишлоқ туманларида оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Қарор қабул қилди. Шу муносабат билан Тошкент тиббиёт академияси акушерлик ва гинекология кафедраси доценти, тиббиёт фанлари номзоди Лола Абдуллаева билан суҳбатлашдик.

— Юртбошимиз ташаббуси билан қабул қилинган ушбу қарор кўпоб дастурий мақсадларни амалга оширишда бизга қўлланма вазифасини ўтайди, — дейди Лола Абдуллаева. — Қарор ижроси ҳақида гапирадиган бўлсак, аввало, қиз бола туғилиши билан шифокор назоратида бўлиши шарт. Яъни, йиллар давомида унда қандайдир ҳасалик бор ёки йўқлигини аниқлаб бориш лозим. Масалан, юрак, жигар, ошқозон, қолаверса, туҳмудонда бирон касаллик борлиги ёки қонда қанд миқдори юқорилиги каби ҳолатлар, эндокрин ҳасаликлар, нисбий етишмовчиликлар бўлиш эҳтимоли бор. Афсус билан айтишимиз керакки, камқонликка учраган онадан шундай касалликка чалинган бола туғилади. Буларнинг олдини олиш учун аввало қизларни соғломлаштириш ҳолда катта ҳаётга тайёрлаш керак. Уларни ёш турмушга бериш, яқин қариндошлар билан қўда бўлиш турли асоратли касалликлар келтириб чиқаради. Умуман олганда, қиз боланинг организми 19 ёшдан кейингина мустақил ҳаётга тайёр бўлади.



→4

Ёшларга ишонч — ташаббусга чорлайди →2

Нурафшон шаҳар Яратувчилик шижоати билан →3

Ўзбек боксининг доврועи →4

Бугун дунёнинг кўпоб мамлакатлари иқтисодий-да вужудга келган қатор муаммолар Ўзбекистон эркин иқтисодий бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш йўлини танлаб жуда тўғри йўл тутганини, тараққиётнинг «ўзбек модели» нақадар ҳаётий ва самарали эканини яна бир бор тасдиқлади. Мамлакатингиз истиқлолга эришгандан кейин қисқа вақт ичида барча йўналишларда жуда катта муваффақиятларга эришди. Шу ўринда Ўзбекистон банк-молия, инфраструктура, сармоя ва сайёҳлик соҳаларида улкан салоҳият ва кенг имкониятларга эга эканини таъкидлашни истардим».

Брайн ШЕҒАР,
«Emirates NBD» банки бош менежери (БАА)

ОБ-ҲАВО	05-06. 08. 2010	БУГУН	ЭРТАГА
Тошкент	☀ 36°С	☀ 37°С	
Самарқанд	☀ 38°С	☀ 39°С	
Нукус	☀ 40°С	☀ 41°С	
Қарши	☀ 40°С	☀ 41°С	
Урганч	☀ 40°С	☀ 41°С	
Навоий	☀ 40°С	☀ 41°С	
Фарғона	☀ 38°С	☀ 39°С	
Бухоро	☀ 40°С	☀ 41°С	
Андижон	☀ 38°С	☀ 39°С	
Наманган	☀ 38°С	☀ 39°С	
Термиз	☀ 41°С	☀ 42°С	
Жиззах	☀ 38°С	☀ 39°С	
Гулистон	☀ 38°С	☀ 39°С	
Тошкент вил.	☀ 38°С	☀ 39°С	
Лондон	☀ 32°С	☀ 33°С	
Париж	☀ 33°С	☀ 34°С	
Москва	☀ 37°С	☀ 36°С	
Мадрид	☀ 38°С	☀ 37°С	
Пекин	☀ 39°С	☀ 38°С	
Гонгконг	☀ 41°С	☀ 40°С	
Рим	☀ 36°С	☀ 35°С	
Анкара	☀ 36°С	☀ 38°С	
Токио	☀ 33°С	☀ 34°С	
Стокгольм	☀ 32°С	☀ 33°С	
Кейптаун	☀ 17°С	☀ 16°С	
Қоҳира	☀ 30°С	☀ 31°С	
Гавана	☀ 41°С	☀ 42°С	
Вашингтон	☀ 33°С	☀ 34°С	

O'zbekiston havo yo'lari

TOSHKENT
XALQARO AEROPORTI

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKINING 2010 ЙИЛ 3 АВГУСТДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ

1 Австралия доллари	1461,80	1 Миср фунти	282,33	1 СДР	2441,19	10 Жанубий Корея воини	13,71
1 Англия фунт стерлинги	2527,48	1 Канада доллари	1566,72	1 Туркия лираси	1070,53	10 Япония иенаси	185,89
1 БАА дирҳами	437,71	1 Хитой юани	237,37	1 Швейцария франки	1546,22	1 Россия рубли	53,26
1 АҚШ доллари	1607,61	1 Малайзия рингити	508,58	1 Евро	2089,54	1 Украина гривнаси	203,67

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.



Замонавий усуллар, сиёсий технологиялар

электорат билан иш олиб боришда катта самара беради

(Боши 1-бетда.)

Олтириқ туман Ҳамза шарҳаси Ахборот-ресурс марказида ўтказилган минтақавий конференцияда Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари партия кенгашлари вакиллари қатнашди.

Минтақавий конференцияда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева «Партия фаолиятида сиёсий технологияларнинг ўрни ва аҳамияти» мавзусида маъруза қилди.

Дарҳақиқат, жамиятда демократлаштириш, янгилаш ва модернизациялаш жараёнининг кенг миқёсда олиб борилиши, ижтимоий онгининг эркинлашуви партиялар фаолиятида сиёсий технологиялар, умумэтироф этилган усуллардан фойдаланишга таъсир этмоқда.

Давр талабидан келиб чиқиб, деда маърузачи, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ва унинг тегишли ҳудудий ташкилотлари жамоатчилик билан иш олиб боришда сиёсий технологиялардан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бинобарин, сиёсий технологияларнинг мазмун-моҳияти, турлари, партия фаолиятидаги ўрни ва аҳамияти, электорат билан иш олиб боришда сиёсий партиялар фаолиятини ривожлантириш, бунинг ҳуқуқий асосларини тақвиятлаштириш, депутатнинг шахсий сифатларини бойитиш каби масалалар доимо диққат марказида бўлиши даркор.

Янги сиёсий технологиялар партия фаолиятини замонавийлаштириб қолмай, партия мақсад ва вазифаларини электоратга, қолаверса, кенг оммага ҳуқуқроқ тушутириш орқали ўз тарафдорларини кўпайтиришга, жамият ривожига ўз ҳиссасини қўшишга имкон яратолади.

Сиёсий технологиялар сўзсизлиги бўйича назарий билимларни амалий нуктаи назардан кўриб чиққан ҳолда, сиёсий қондалар хилма-хиллиги, тамойиллари, меъёр ва омиллардан сиёсий мақсад, усул ва услубларни аниқлашда фойдаланиш учун имконият яратиш бермоқда. Бу йўналишда ЎзХДП аъзолари томонидан партиялараро баҳслар жиддий, малакали ва асосли олиб борилиши зарурлигига алоҳида урғу берилмоқда.

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Фарғона филиали етакчи илмий ходими На-

бижон Темиров конференция мавзуси юзасидан маъруза қилиб, реал шарт-шароитда аҳолининг турли қатламларида сиёсий иш олиб бориш, партиянинг мақсад ва вазифаларини чуқур тушутиришда янги усуллар, сиёсий технологиялардан фойдаланишнинг назарий ва амалий жиҳатларига қатнашчилар эътиборини қаратди.

Фарғона вилоят партия кенгаши бўлим мудири Замира Ёқубова нутқида ахборот-ресурс марказлари тизимида янги сиёсий технологиялардан фойдаланиш орқали электорат манфаатларини ҳимоялаш йўллари асосий мавзу бўлди.

Жамиятимизда ҳозирги кунда ижтимоий адолат, миллатлараро тотувлик ва сиёсий барқарорлик мавжуд экан, биз, энг аввало, юртимизда қарор топган ушбу тамойилларни асраб-авайлашимиз керак. ЎзХДП фойдаланиши адолат, бирдамлик ва демократия гоясидир. Партия Марказий Кенгашининг қарорига асосан, ташвиқот ишлари самардорлигини ошириш, сиёсий-фуқаролик маърифати тизimini янада тақвиятлаштириш мақсадида вилоят, туман ва шаҳар партия кенгашларида Ахборот-ресурс марказлари (АРМ) ташкил этилган.

Фарғона вилоятида 39971 нафар ЎзХДП аъзоси фаолият кўрсатади. Улар 900 та бошланғич партия ташкилотига биришган. Партия аъзоларининг сиёсий, маънавий, ҳуқуқий савияларини ошириш, шунингдек, сиёсий фуқаролик маърифати тизимидаги ўқув-семинарлар самардорлигига эришиш мақсадида вилоят партия кенгаши ҳамда 19 та туман-шаҳар кенгашлари қосида АРМлар ишлаб турибди. Уларда 100 дан ортиқ турли хил адабиётлар, жумладан, Президентимиз Фармон ва Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари, фармойишлари, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, қонун-ости ҳужжатлари мавжуд.

Партия фаолиятини самарали олиб боришда сиёсий технологиялар, усуллардан фойдаланган ҳолда тадбирларни ташкил қилиш, уларни ўтказиш қанчалик қатъий белгиланган бўлмасин, баъзан янги технологиялар ва услубларни ишга солишда барча имконият ва

ресурслардан кенг фойдалана олмаслик ҳолатлари учраб туради.

Бошқача айтганда, технологияларни қўллашга доимо ижодкорлик билан ёндашиш талаб қилинади. Баъзан ноанаънавий усулларни қўллаш туфайли технологиялар тақвиятлаштириш, фаолиятнинг оригинал ва ўзига хос усуллари билан бойитилишини унутмаслик керак.

Шу боис, ЎзХДП Фарғона вилоят кенгаши, Марғилон, Фарғона, Қўқон шаҳар ва Тошлоқ, Учкўприк, Бувайда, Олтириқ туман партия кенгашлари ҳузуридаги АРМлар тўлиқ компьютерлаштирилиб модем орқали интернетга уланди.

Ўзбекистон ХДП Андижон вилоят кенгаши раисининг ўринбосари Ҳасан Хайдаровнинг «Жамоатчилик қабулхоналарида электорат билан иш олиб боришнинг янги усулларини қўллаш» мавзусидаги нутқида аниқ мақсадларни кўзда тутадиган жамоатчилик билан алоқа тизimini янада тақвиятлаштириш, умумэтироф этилган сиёсий технологиялар ва замонавий иш усулларини қўллаш масалаларига урғу берилди.

Андижон вилоят ХДП кенгашлари қосида ташкил этилган 19 та Жамоатчилик қабулхонасида 2010 йилнинг ўтган олти ойида 628 та мурожаат бўлган. Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари партия миздан сайланган депутатлар аралашуви билан уларнинг 70 фоизи ўз вақтида ҳал қилинди. Қолган мурожаатларнинг ечимини топиш бўйича ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Вилоят кенгашидаги ЎзХДП депутати О.Хасанова ҳам шу кунгача вилоят партия кенгаши Жамоатчилик қабулхонасига тушган 12 та мурожаатни қонун доирасида ҳал этишга ҳаракат қилмоқда. Бундан ташқари, у 3 та маҳалла фуқаролари йиғинидаги қабулхона шохобчаларида ҳафта-нинг сешанба кунлари қабул ташкил этмоқда.

Бугунги кунда партия тизимида сиёсий ўқувларни ташкил қилиш ва уларни ўтказиш партия ишининг асосий негизини ташкил этади. Бу мавзунда Наманган вилоят партия кенгаши раисининг ўринбосари Нигора Нуралиева давом эттирди. ЎзХДП Марказий Кенгаши қарорига асосан ташкил этилган фуқаролик маърифати тизимидаги сиёсий ўқувларда ҳам умумэтироф этилган сиёсий технологиялардан фойдаланиш кенг йўлга қўйилмоқда. Машғулотларни интерфаол равишда ташкил этиш, ахборот технологияларидан унумли фойдаланиш каби замонавий усуллар амалда кенг қўлланилмоқда.

Вилоят партия кенгашида ўтказилган Инқирозга қарши чораларнинг 2009-2012 йилларга

мўлжалланган дастурини Наманган шаҳрида амалга оширишга бағишланган давра суҳбатидан Наманган шаҳар партия кенгаши тайёрлаган слайдлар намойиш қилинди. Шаҳар кенгаши депутатлари, бошланғич партия ташкилоти раислари томонидан очик мунозара тарзида ўтказилган машғулот ҳолис далил ва асослар билан тўлдирилди. Учқўргон туманида депутатлик гуруҳи фаолиятига бағишланган давра суҳбатидан депутат ваколати, ҳақ-ҳуқуқларига доир саволларга атрафлича жавоб берилди.

— Сиёсий машғулотларнинг мазмунига қараб ҳамкор ташкилотлар вакилларининг иштирокини таъминлаш тадбирларимизнинг қизиқарли, ишончли ва кенг қамровли бўлишини таъминлайди, — дейди нотиқ. — Биз Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Наманган минтақавий Ахборот-таҳлил маркази илмий ходимлари, НамДУ профессор ўқитувчилари билан ҳамкорлик қилишимиз. Улар иштирокида кейинги вақтда ўндан ортиқ машғулот ташкил этилди. Бугунги кунда вилоят тарғибот гуруҳи аъзоларининг 4 нафари журналистлардир. 73 нафари ўқитувчи, 4 нафари журналистлардир. Улар сафида вилоят, шаҳар ва туман кенгашларининг 24 нафар депутати фаол иштирок этади.

Вилоятдаги 100 дан ортиқ касб-хунар коллежи, 11 та академик лицей, 3 та олий ўқув yurtи, 680 та умумтаълим мактаби, 450 га яқин тиббиёт муассасаси, 800 дан ортиқ маҳалла фуқаролар йиғинларидаги аҳоли қатламлари бевосита ЎзХДП электорати ҳисобланади. Ўтган давр мобайнида улар билан узвий боғлиқлигини таъминловчи тизим яратилди.

Анжуманда мавзу юзасидан берилган қатор саволларга батафсил жавоб қайтарилди, шундан сўнг партиявий иш олиб боришда сиёсий технологиялардан фойдаланиш бўйича интерфаол усулда баҳс-мунозара бўлиб ўтди. Мунозара иштирокчиларига эсдалик совғалари берилди.

Анжуманда вилоят партия кенгашлари раислари Мухаммадjon Йўлдошев (Андижон), Абдурашид Убайдуллаев (Наманган), Муҳаммадали Исоқов (Фарғона), Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг депутати, ЎзХДП фракциясининг аъзоси Дилбар Холиқова сўзга чиқиб, мавзуга доир фикр-мулоҳазаларини баён қилдилар. Мазкур мавзу бўйича амалий тадбирлар бошланғич партия ташкилотлари даражасида давом эттирилиши мақсадга мувофиқ экани таъкидланди.

Абдуваҳоб АБДУБАНОПОВ,
«Ўзбекистон овози»,
маҳсух муҳбири.

ЕР — ЎЗБЕКISTON ХАЛҚИ ҲАЁТИ ВА ФАРОВОНЛИГИНИНГ АСОСИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича 2008-2012 йилларга мўлжалланган Давлат дастурини амалга ошириш мақсадида вилоятда тупроқ унумдорлигини ошириш, унинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича ҳудудий дастур ишлаб чиқиш, амалга оширилмоқда, ҳамма жойда ер ресурсларидан мақсадли, оқилона фойдаланилиши ҳамда уларнинг муҳофазаси қилиниши устидан давлат назорати таъминланмоқда.

Шу билан бирга, қўшма мажлисда сенаторлар Фарғона вилоятида Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг ерлардан қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланишга доир қисми талабларига оғишмай рияз этилишини таъминлаш борасидаги ишнинг янада тақвиятлаштириш зарурлигини таъкидладилар. Шунингдек, улар ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ер ресурсларидан мақсадли, оқилона фойдаланиш ҳамда уларни муҳофазаси қилиш устидан қаттиқ

қаратдилар.

Қўшма мажлисда сўзга чиққанлар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари доимий комиссиялари, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси, шунингдек, бошқа манфаатдор ташкилотлар, фермер хўжалиқларининг ва корхоналар, ҳуқуқни муҳофазаси қилувчи органларнинг Фарғона вилоятида Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг ерлардан қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланишга доир қисми талабларига оғишмай рияз этилишини таъминлаш борасидаги ишнинг янада тақвиятлаштириш зарурлигини таъкидладилар. Шунингдек, улар ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ер ресурсларидан мақсадли, оқилона фойдаланиш ҳамда уларни муҳофазаси қилиш устидан қаттиқ

давлат назоратини таъминлаш бўйича бир қатор тақлифларни билдирдилар.

Масалани муҳокама қилиш якунлари бўйича тегишли қўшма қарор қабул қилинди.

Қўшма мажлисда сенаторлар, халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашининг депутатлари, халқ депутатлари туман Кенгашлари доимий комиссияларининг раислари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт, Қишлоқ ва сув хўжалиги, Адлия вазирлиқларининг, Ўзбекистон Республикаси «Ерғодеҳзадаст», Табиати муҳофазаси қилиш давлат қўмиталарининг тегишли вилоят бошқармалари ва ташкилотларининг, ҳуқуқни муҳофазаси қилувчи органларнинг, шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари қатнашдилар.

(Ў.А)

ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти

■ Косонсойда Ўзбекистон ХДП «Истиқбол» ёшлар қанотининг Наманган, Фарғона ва Андижон вилоятлари етакчилари иштирокида минтақавий анжуман бўлиб ўтди.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастурига мувофиқ ташкил этилган мазкур анжуман «Фуқаролик жамиятини шакллантиришда ёшларнинг иштирокини фаоллаштириш — устувор вазифа» мавзусига бағишланди.



Ёшларга ишонч — ташаббусга чорлайди

Анжуман иштирокчилари дастлаб Наманган вилояти марказида барпо этилган Хотира хиёбонига бўлидилар. Она ҳайкали бойига гул қўйиш маросимидан кейин қатнашчилар Косонсой туманининг Қўқумбой қишлоқ фуқаролар йиғинида ташкил этилган ҳудудий партия ташкилоти ва ХДПдан сайланган депутатлар Жамоатчилик қабулхонаси фаолияти билан танишишди.

Қишлоқ оқсоқоли Абдуҳафиз Умаров, бошланғич партия ташкилоти раиси Матлуба Қалқонова билан ўтказилган суҳбатлар анжуман иштирокчиларига қишлоқ ва маҳалла ҳақида эътибор берилиши зарур бўлган масалаларни ўрганиш имконини берди.

Ўзбекистон ХДП «Фаол ёшлар» қаноти жамоатчилик кенгаши раиси Мухтар Абдурахмонова, Наманган вилоят партия кенгаши раиси Абдурашид Убайдуллаев ҳамда «Истиқбол» ёшлар қаноти бошқаруви раиси Файрат Мамажонов бошчилигида анжуман иштирокчилари тумандаги Бешкетмон, Қўқумбой, Бўстон, Навбахор, Янгишаҳар, Янгийўл ва Қозқовул маҳалла фуқаролар йиғинларида мактабгача таълим муассасалари ташкил этиш эҳтиёжини ўрганишди.

Таҳлиллардан маълум бўлдики, ҳудуддаги 9 мингдан зиёд аҳолининг 30 фоизини ташкил этадиган бочча ёшидаги бола-

лар учун мактабгача таълим муассасаларини етарлича кўпайтириш гоят зарур. Анжуман иштирокчилари мазкур маҳаллаларда болалар боччаларининг фаолиятини янада ривожлантириш, уларда қисқа муддатли кузатув гуруҳлари ташкил этиш юзасидан Халқ депутатлари вилоят Кенгашига мурожаатнома тайёрладилар.

ЎзХДП фаоли, сенатор Пахриддин Матқаримов билан суҳбат эса «Истиқбол»чиларнинг жамият бошқарувида фаол муносабат билан ёндашувчиликларини кўрсатди. Собиржон Раҳимжонов, Ҳожиакбар Патоев, Хилола Мирзаева ҳамда Шахноза Аҳмаджонованинг мулоқот давомидаги фикр-мулоҳазалари бугунги ижтимоий ҳаётга уйғунлиги билан аҳамиятли бўлди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Дилбар Холиқова ва Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти илмий ходими, тарих фанлари номзоиди Бахтиёр Исоқов анжуман иштирокчиларини ЎзХДП фракциясининг фаолияти ва қонун ижодкорлигидаги янгиликлар, фуқаролик жамиятини шакллантиришда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш борасидаги йўналишлар билан яқиндан таништирдилар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан юқори палатага тақдим этилган «Ахборот ку-

тубхонаси фаолияти тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг мазмун-моҳиятини анжуман иштирокчилари, айниқса, қизқирди. Фикр аламушу ва мулоҳазалар жараёнида «Истиқбол»чи ёшларнинг мамлакатимизда кечаётган илоҳотларга қизиқиш даражаси янада ортаётгани маълум бўлди.

Анжуман қатнашчилари ёшларнинг қизиқиш ва истақларидан келиб чиқиб, жойларда Президент асарлари кутубхонасини ташкил этиш зарурлиги юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Истиқбол йилларида тарихий қиммати ва маънавий-руҳий аҳамияти янада тараққийлаш, сайқал берилган Маҳдуми Аъзам Косоний мақбараси, Мўғтепа қалъаси, Чашма бўлоғи сингари Косоний туманидаги муқаддас жойларга саёҳат иштирокчиларда унумлилик таассурот қолдирди.

Анжуманнинг иккинчи куни белгиланганидек, Тарғибот марафони билан бошланди. Туман оқимлиги маъмурий биноси олдида Косоний педагогика коллежигача бўлган масофада ўтказилган марафон эрта тонгда шаҳарга байрамона тус берди.

«Еш сийасатчи — 2010» аънавий кўрик-танловининг вилоят босқичи анжуман доирасидаги тадбирлар мазмундорлигини янада бойитди.

Фуқаролик маърифати ва ёшларга оид давлат сийасати мазмун-моҳиятини қамраб олган шартлар асосида танлов қатнашчилари ўз билим ва қобилиятларини намойиш этиш билан анжуман иштирокчиларига кўтаринки кайфият бағишладилар.

Икки кун давом этган минтақавий ёшлар анжумани низоҳида фаол иштирок этганлар раёбатлантириди.

Ёшларга жўшқин ижодий кайфият, бунёдкор гоғлар йўлида астойдил янгиликларни учун гайрат ва ишжол бағишлаган мазкур минтақавий ёшлар анжумани ҳақида айрим иштирокчиларнинг фикрлари билан қизиқдик.

Гулсая НУРИДДИНОВА,

Фарғона вилояти Олтириқ қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежи ўқитувчиси:

— Анжуман мени янада фаол бўлишга ундади. Наманган вилоятида ЎзХДПнинг ўрни бошқа партияларга нисбатан юқори экани таш-

бир давомида яққол кўзга ташланди. ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қанотининг мақсадларини янада кенг тарғиб этишимиз зарурлигини аниқлаб етдим.

Маҳлиё КОМИЛОВА,

ЎзХДП Андижон вилояти Булакбоши туман кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти фаоли:

— Наманганлик, фарғоналик тенгдошларим билан ўзаро фикр алмашганда «Истиқбол» ёшлар қаноти биз каби қанчадан-қанча қишлоқ ёшлари учун ҳаётий билим ва тажриба ортти-

ришимизга имкон берувчи тузилма эканини тушундим. Айниқса, «Еш сийасатчи — 2010»нинг Андижон вилоят босқичи ғолиби сифатида танловнинг Республика босқичида қайси жиҳатларга кўпроқ эътибор бериш зарурлигини аниқлаб олдим.

Шокиржон ҲАКИМЗОДА,

Фарғона ҳуқуқшунослик коллежи талабаси:

— Мазкур анжуман таассурот ва тажрибаларга бой бўлди. Дунёқарашимизни мустаҳкамлашимиз ва Қонунлар ижроси учун барчамиз бирдек жавобгар эканлигимизни, жамоатчилик назорати институ-

тини шакллантириш, ривожлантиришда биз ёшлар янада фаолроқ бўлишимиз кераклигини барча тадбир иштирокчилари тўла маънода аниқлаб етди.

Носиржон ДЕКҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.



Муҳимон КОДИРОВ олган суратлар.

СОҒЛОМ ОНА КЕЛАЖАК

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Хомилдорлик даврига келиб асосий парваршиш тўғри овқатлантириш ва бадантарбия машқлари орқали амалга оширилади. Кўпроқ мева-сабзавот, оқсилга бой бўлган, гўшти овқатлар истеъмол қилиш керак. Аёллар хомилдорлигининг йигирманчи ҳафтасига келиб организмда учинчи қон айланиши ишга тушади. Она, ҳомила ва йўлдош орқали бўладиган муносабат учинчи қон айланиши дейилади. Бу эса ўз-ўзидан қон айланиши ҳамини ортада деганидир. Энди ўйлаб кўринг, агар аёлда камқонлик касаллиги бўлса, бу жараён қандай кечадиган? Бу ҳолатларга жиддий эътибор бериш керак.

Қарорда алоҳида таъкидланган фоли кислотасининг она ва бола организмга таъсири ҳақида ҳам маълумот бериб ўтсангиз?

— Юқорида айтганимиздек, оналарда қандайдир хасталик мавжуд бўлса, бу касалликнинг фарзандига ўтиш эҳтимоли жуда юқори. Бунинг олдини олиш учун эса хомиланинги бундан қўриқиб олиш керак. Бу жараён уч ой давомида бетўхтов амалга оширилиши керак. Хомила ривожланиши давомида она қорнида боланинг мияси шакллани босилади. Айнан шундан келиб чиқиб, онанинг фоли кислотаси унинг тўғри шаклланиши ва ривожланишига хизмат қилади. Агар она хомилдорлик пайтида фоли кислотасини етарли даражада истеъмол қилмайдиган бўлса, унинг фарзанди ақлан заиф бўлиб туғилиши мумкин. Ушбу кислотанинги етишмаслиги бундан ҳам ёмонроқ асоратларни, масалан, хомила тушиши каби ҳолатларни келтириб чиқариши кузатилади.

Яқинда Тошкент тиббиёт академияси профессор-ўқитувчиларидан иборат жамоа тузилиб, Сурхондарё вилояти бўйлаб хизмат сафарига чиқди. Ушбу таркибдан гинеколог, терапевт, педиатр, УЗИ мутахассислари жой олишди. Биз биргаликда репродуктив ёки фертил ёшдаги аёлларни текширувдан ўтказдик. Бу жараёнда аёлнинг ўзида қандайдир хасталик бўлса терапевт, хомилда қандайдир ўзгариш бўлса УЗИ врачлари гинеколог томонидан алоҳида тиббий маслаҳатлар, тавсиялар берилди.

Ушбу ерда яшовчи аёллар билан давра суҳбатлари ташкил этилди. Шунини алоҳида таъкидлашни истардимки, бугун тиббиётнинг биринчи бўлини ҳисобланган қишлоқ врачлик пунктларида аҳолига замонавий ва сифатли тиббий хизмат кўрсатилмоқда. Сурхондарё вилоятидаги ҚВПлар киши ҳавасини келтиради. Айниқса, Денов, Сарисий туманларидаги ҚВПларни кўрган киши лол қолади. Улар энг сўнгги тиббиёт ускуналари билан жиҳозланган. Масалан, Узун туманининг чегарага яқин тоғли худуддаги ҚВПга бордик. Бу ерда ҳам керакли асбоб-ускуналар, қулайликлар мавжуд.

Маълумки, Сурхондарё вилоятига Тожикистон алюминий заводи яқин жойлашган. Бу эса ўз навбатида ушбу худудда яшаётган аҳоли ўртасида эндокринологик хасталиклар кўпайишига сабаб бўлмоқда. Интернет манбаларига таянган ҳолда шунини айтиш мумкинки, заводнинг зарарли чиқиндилари репродуктив ёшдаги хотин-қизлар соғлиғига салбий таъсир кўрсатмоқда. Улар орасида экстрагенитал касалликлар ўсиши кузатилаётган. Сурхондарё вилоятининг Узун ва Сарисий туманларида репродуктив ёшдаги хотин-қизларнинг кўпчилигида бундай хасталиклар қайд этилган.

Касалликлар таркибидо камқонлик, буйрак, эндокрин тизими, ошқозон-ичак касалликлари бор.

Аҳолининг анемия ва бўқоқлог, терапевт, педиатр, УЗИ кўрсаткичи ҳамон юқорилигида репродуктив ёки фертил ёшдаги аёлларни текширувдан ўтказдик. Бу жараёнда аёлнинг ўзида қандайдир хасталик бўлса терапевт, хомилда қандайдир ўзгариш бўлса УЗИ врачлари гинеколог томонидан алоҳида тиббий маслаҳатлар, тавсиялар берилди.

Ушбу ерда яшовчи аёллар билан давра суҳбатлари ташкил этилди. Шунини алоҳида таъкидлашни истардимки, бугун тиббиётнинг биринчи бўлини ҳисобланган қишлоқ врачлик пунктларида аҳолига замонавий ва сифатли тиббий хизмат кўрсатилмоқда.

— **Хомилдор аёлнинг соғлом юриши ва ундан соғлом фарзанд туғилишида оиланинг роли қандай?**

— Биласизми, керакли қарорлар қабул қилингани билан, врачлар тушунтириш ишларини амалга оширганлари билан агар оилада етарли даражада қўллаб-қувватлаш, соғлом муҳит бўлмаса, кўзланган мақсадга эришилмайди. Масалан, қайнона келинини шифокор хузурига юрмасан, нима бўлади? Баъзи оилаларда келин руҳсатсиз чиқиб кета олмайди. Қарабсизки, боланинг соғлом туғилиши хавф остида қолади. Аввало оилаларда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш керак, барча оила аъзолари бу текширувлар бўлгуси она учун нақадар зарур эканлигини англаб етишлари лозим.

Баъзи қишлоқ жойларда эрта турмуш қуриш, қариндошлар ўртасидаги никоҳ ҳолатлари ҳали ҳам учраётгани ачинарли. Бундай никоҳнинг салбий, наслий оқибатлари кўп. Жисмонан, ақлан носоғлом болалар туғилиш ҳолатлари кўп учрайди. Чала туғилиш ва бола тушиши ҳам кўпинча шундай никоҳлар натижасида юзага келади.



Баъзи чақалоқлар туғилган пайтидаёқ асабий бўлади, тинмай йиғлайди. Бунинг сабаби нимада?

— Бу ҳолат ҳам фоли кислотаси билан боғлиқ. Агар онада камқонлик касаллиги бўлса, бола асабий бўлиб туғилиши эҳтимоли катта. Чунки, камқон аёлларда кислород етишмаслиги ҳолати учрайди. Бу нарса туғиш жараёнида ҳам кузатилади. Натижада болада сиклиб қолиш ҳолати юзага келади. Агар эътибор берган бўлсангиз, эндигина туғилган болаларнинг мия қобиги анча юмшоқ бўлади. Ушбу мия қобиги сиклиши натижасида туғилган бола асабий бўлади. Яна бир бола айтишга мажбуримиз, хомилдорлик бу оддий давр эмас. Қизлар турмушга чиқишидан ва хомилдор бўлишларидан олдин ўзларини қайта-қайта текширувдан ўтказишлари, агар уларда қандайдир касаллик бўлса, унинг олди вақтида олиниши керак. Чунки, ондаги хасталик болага ўтиши эҳтимоли катта.

— **Аёлларда хомилдорлик вақтида кечадиган жараёнлар ҳақида гапириб берсангиз. Ушбу ҳолатнинг бола саломатлиги ва руҳиятига таъсири борми?**

Баъзи оилаларда бу ҳолатга келиннинг инжиқлиги деб қараш ҳам учрайди. Бу умуман нотўғри керак, баъзи қайноналар «мен пахта даласида туққанман, тандирда нон ёпаётим туққанман, йўлда кетаётган пайтда туққанман» деган гапларни кўп

— Албатта, таъсири катта. Бу даврда аёл қайсидир озқоқ овқат маҳсулотини тановул қилишни истаса, ўша нарса организм талаб қилаётган бўлади. Мана шу пайтда парваршиш ва оиладаги муносабат катта роль ўйнайди. Айниқса, хомилдор аёл ҳомила ривожланишининг илк даврида бўладиган, момоларимиз тили билан айтганда, «бошқорон-илик» асоратини бошидан ўтказётган пайтда албатта шифокор назорати остида бўлиши керак.

Шундан бўлса керак, ўша пайтда кўлаб носоғлом болалар дунёга келган. Мана, ҳозир эътибор бериш, туғма ногиронлик билан туғилганлар (гиёҳхонлар ва қариндошлар ўртасидаги никоҳ натижасида туғилганларни ҳисобга олмаганда) деярли учрамапти. Бу ҳам тиббиёт тараққиёт босқичида эканлигини далил беради. Мен мутахассис сифатида яна шунини алоҳида таъкидлашим кераки, «Соғлом она — соғлом бола» мақсадида вази-фасини изчил амалга ошириш мақсадида қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг қарори аҳамиятини, мазмун-моҳиятини халқимизга, хусусан хомилдор аёлларимизга тушунтиришимиз, унинг ижроси юзасида барчамиз ҳам-жиҳатликда иш олиб боришимиз зарур. Ушундангина баркамол авлод дунёга келади.

«Ўзбекистон овози» мухбири Темур Абзам суҳбатлашди.

Шундан бўлса керак, ўша пайтда кўлаб носоғлом болалар дунёга келган. Мана, ҳозир эътибор бериш, туғма ногиронлик билан туғилганлар (гиёҳхонлар ва қариндошлар ўртасидаги никоҳ натижасида туғилганларни ҳисобга олмаганда) деярли учрамапти. Бу ҳам тиббиёт тараққиёт босқичида эканлигини далил беради. Мен мутахассис сифатида яна шунини алоҳида таъкидлашим кераки, «Соғлом она — соғлом бола» мақсадида вази-фасини изчил амалга ошириш мақсадида қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг қарори аҳамиятини, мазмун-моҳиятини халқимизга, хусусан хомилдор аёлларимизга тушунтиришимиз, унинг ижроси юзасида барчамиз ҳам-жиҳатликда иш олиб боришимиз зарур. Ушундангина баркамол авлод дунёга келади.

Иккинчи давра бошланди

■ Футбол бўйича олий лиганинг иккинчи давра баҳсларини «Қизилқум» — «Пахтакор» жамоалари учрашуви бошлаб берди.

Унда пахтакорчилар 38-дақиқада Одил Аҳмедов томонидан киритилган ягона гол эвазига кичик ҳисобда зафар қучишган бўлса-да, 68-дақиқада мезонлар маглубиятдан қутулиб қолишлари мумкин эди. Лекин «Қизилқум» жамоаси ярим ҳимоячиси Леонид Кошелев пенальтини аниқ амалга ошира олмади.



Ўн тўртинчи турдан кейинги вазият

Т-Н	О	У	Ю	Д	М
«Бунёдкор»	14	12	2	0	31-7 38
«Пахтакор»	14	9	4	1	21-11 31
«Насаф»	14	7	6	1	17-11 27
«Шўртан»	14	7	3	4	16-13 24
«Қизилқум»	14	6	4	4	10-7 22
«Динамо»	14	5	4	5	17-14 19
«Навбахор»	14	5	3	6	16-11 18
«Металлург»	14	4	4	6	12-16 16
«Андижон»	14	4	3	7	12-17 15
«Машъал»	14	3	5	6	7-16 14
«Локомотив»	14	4	2	8	12-22 14
«Нефчи»	14	3	4	7	18-22 13
«Олмалик»	14	3	4	7	12-20 13
«Хоразм»	14	0	4	10	6-20 4

СПОРТ SPORT

■ Юртимиз боксининг халқаро майдондаги нуфузи сўнгги йилларда янада ошди. Россия ва Қозғистондаги бокс мутахассислари ҳамда спорт журналистлари буни алоҳида эътироф этиш билан бирга, ўз юртларида боксни ривожлантириш борасида Ўзбекистон тажрибасини ўрганиш жоизлигини таъкидлашмоқда.

Украинанинг Мариупол шаҳрида ўтказилган аънанавий халқаро турнирда финал жанглирини эфирга узатган спорт шарҳловчиси «...бу вазн тоифаси бўйича ҳам финалда Ўзбекистон вакили...» дейишдан чарчамади. Чунки 44-мартта ташкил этилган «А» тоифадаги бу халқаро турнир финал жанглирининг тўққизтаси Ўзбекистон боксчилари иштирокида кечди. Россия, Украина, Озарбайжон, Белоруссия, Молдова, Тунис ва Грузия каби мамлакатларнинг энг кучли боксчилари қатнашган халқаро турнирда бундай натижага эришиш жуда юқори муваффақиятдир. Вакилларимиз етти вазн тоифаси бўйича финал жанглирида голиб чиқди, икки вазн тоифасида қумуш медалга сазовор бўлиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашди.

Ўзбек боксининг довруғи



«Халқаро турнир ва ўқув-йиғин машғулотида тез-тез қатнашиш боксчиларимизга кўл келмоқда. Чунки, исталган спорт тури вакиллари Олимпия ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатлари каби дунёнинг йирик мусобақаларига энг яхши тайёргарлик кўриш учун имкон қадар халқаро турнирларда кўпроқ қатнашишди. Бундай турнирларда мураббийлар бўлгуси рақибларининг имкониятларини чамалаб олади, услубий, жисмоний, тактик ва бошқа жиҳатлардан тайёргарлик кўришини янги режа-дустурларини ишлаб чиқарилади. Айни даврда бокс мутахас-

бий спортчилар ўртасидаги жаҳон чемпионати ва ноябрь ойида Хитойда ўтказилган XVI Осиё ўйинларидир. АҚШга терма жамоамизнинг иккинчи таркиб боксчиларини юборишни мўлжаллаётимиз, Осиё ўйинларида эса терма жамоамизнинг асосий таркибига кирувчи энг сара боксчилар юртимиз шарафини ҳимоя қилишди. Айни кунда Хўжақентда тайёргарлик машғулотларини ўтказаяпмиз. Кейинги ҳафтадан уни Янгиободда давом эттираримиз. Август ойида АҚШ, Ирландия, Венгрия мамлакатлари боксчилари билан бирга, Англияда навбатдаги ўқув-йиғин машғулотларини олиб борамиз.

Терма жамоамизнинг асосий таркиб боксчилари Мариупол шаҳридаги халқаро турнирда қатнашган кунлари иккинчи ва учинчи таркиб аъзолари, яъни терма жамоага номзод бўлган бир қатор ёш боксчиларимиз Москвадаги халқаро турнирда қатнашди. Уларнинг тўрт нафари совриндорлар қаторидан ўрин олди. МХСКнинг собиқ аъзоси Шаҳриёр Исоқов (51 кг) барча рақибларини маглубиятга учратиб, мусобақанинг олтин медали билан тақдирланди. Бобур Айтбоев ва Фазилидин Ғоибназаров ҳам ўз вазн тоифасида қумуш медал билан кифояланишди. МХСКнинг яна бир боксчиси Камоллидин Аҳмедов (64 кг)га эса турнирнинг бронза медали насиб этди. Жаҳонга танилган асосий таркиб боксчиларимиз ортидан ана шундай муносиб ўринбосарлар — иқтидорли ёшларнинг камол топиб келаётгани, албатта, барчамизни қувонтиради.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla OROPOV
Latif G'ULOMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'afur HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihidin MUHIDDINOV
Andy KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56
Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-81
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg'onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Shohaydar MIRHABIBOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqarasida chop etildi.
Korxonasi manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta «O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materyallarini ko'chirib bosish faqat tahriyati ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 749
8091 nusxada bosildi
I — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O'ZA yakuni — 20.35
Topshirilgan vaqt — 00.00
2 3 4 5
Sotuvda erkin narxda

Эркин ХОЛБОБОВ

Расул ЖУМАЕВ